

ҲИНДИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

3 йиллик меҳнат, 90 минг сўз, инглиз ва ҳинд тилида ёзилган қўлёзма

3-бетда ўқинг



Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 16 август
сешанба
№ 31 (1339)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



**“АНГИОБОД ЖИЛВАСИ”
АДОЛАТ ИСТАБ АДЛИЯГА
МУРОЖААТ ҚИЛДИ**

4-бетда ўқинг



**КАСАБА УЮШМАСИГА
АЪЗОЛИК МАЖБУРИЙМИ?**

6-бетда ўқинг



**ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА
ЎҚИШ УЧУН ТАЪЛИМ
КРЕДИТЛАРИНИ АЖРАТИШ
ТАРТИБИ**

8-бетда ўқинг

Одамлар ҳаво ҳаддан ортиқ исиб кетса ёки меъёридан ортиқ совиб кетганда, иқлим ўзгариши туфайли деб хулоса қилишни биларди. Аммо ана шу иқлим ўзгаришига кўпроқ ўзи сабабчи эканига кўпам парво қилмайди.



5-бетда ўқинг

САРҒАЙГАН

**“ЯШИЛ
МАКОН”лар**

”

“Табиат устидан ҳукмронликни мўъжиза деб атаймиз. Аммо бу “мўъжиза” одатда бошимизга фақат кулфат ёғдиради.”

Фрэнсис БЭКОН

**ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДАГИ
ЖАМОАТЧИЛИК
ПАЛАТАСИ
ЎЗ ИШНИ УДДАЛАЯПТИМИ?**



2-бетда ўқинг

Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг таянч нуқталаридан бири сифатида белгиланган “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган эзгу ғоянинг замирида замонавий дунёдаги бутун инсоният интиладиган ва демократия тушунчасининг моҳиятини ташкил этадиган жамоатчиликнинг давлат ва жамият бошқарувидаги кенг кўламли иштироки масаласи ётади.

Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида илгари сурилган маъмур томонидан ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида 2020 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармон қабул қилинди.

Ушбу фармонга мувофиқ давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган савб-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилишини таъмин-

лаш палата фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, фармонда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга кўмаклашиш назарда тутилди. Бундан ташқари, аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда ва соҳаларда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, уларнинг ечими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталарига ва Ҳукуматга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича

тақлифлар киритиб бориш белгиланди. Жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 50 нафар аъзодан иборат бўлади. Уларнинг 18 нафари Президент томонидан тайинланади, 18 нафари эса, маҳаллий ННТлар орасидан танлаб олинади, 14 нафари ҳудудий жамоатчилик палаталари вакилларидир. Ҳудудий жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 21 нафар аъзодан иборат бўлади. Улар ҳудудларда фаолият олиб бораётган ННТлар, илмий доиралар, ОАВлар ва кенг жамоатчилик вакилларидан шакллантирилади.

Жамоатчилик палатаси назарий томондан мамлакатимизда янги институт ҳисобланса-да, унинг тарихий илдизи

узук йилларга бориб тақалади. Маҳалла институти бунинг ёрқин мисолидир. Қадимдан ота-боболаримиз улкан ҳудуд бўлган Мовароуннаҳр, яъни икки дарё ораллигида, табиатнинг инжиқликларини, хусусан, дарё тошқинларини, унинг оқибатларини биргаликда, уюшқоқлик ва ўзаро бирдамлик билан енгиб, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, аҳил-иноқ бўлиб, бир маҳаллага уюшиб яшаган. Қишлоқ оқсоқоллари ўзаро кенгашиб, барча масалаларнинг ижобий ечимини топишган. Бугунги тил билан айтганда, бу механизмни жамоатчилик назорати деб айтиш мумкин. Жамоатчилик палатаси институти, жамоатчилик назорати институти билан чамбар-час боғлиқдир.

ЯНГИ Ўзбекистонни ривожлантиришнинг таянч нуқталаридан бири сифатида белгиланган “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган эзгу ғоянинг замирида замонавий дунёдаги бутун инсоният интиладиган ва демократия тушунчасининг моҳиятини ташкил этадиган жамоатчиликнинг давлат ва жамият бошқарувидаги кенг қўламли иштироки масаласи ётади.

ФАРМОН БОР, АММО ФАОЛИЯТ ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС

Мамлакатимизда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш бўйича Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони қабул қилинган бўлса-да, амалиётда бу муҳим институт ҳали тўлақонли фаолият юриятаяпти, деб бўлмайд.

Жамоатчилик палатасининг асосий вазифаларидан бири бўлган – норма ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш, жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, уларни жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва эшитувлари асосида такомиллаштиришга кўмаклашиш нуқтани назаридан ёндашадиган бўлса, айни пайтда мамлакатимизда қачаётган энг муҳим сийсий жараён Конституциявий ислохотларда Жамоатчилик палатаси асосий институтлардан бири сифатида фаолият кўрсатиши керак эди. Бироқ, ушбу муҳим жараёнда бу институтнинг фаолиятига катта эҳтиёж борлиги сезилди. Ваҳоланки, 2022 йил 25 июндан 1 августга бўлган даврда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан айнан Жамоатчилик палатаси томонидан қўллаб жамоатчилик муҳокамалари, жамоатчилик экспертизаси ўтказилиши лозим эди.

Амалиётда Жамоатчилик палатаси вазифаларини нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашири баҳариб келмоқда. Айни пайтда мамлакатимиздаги бир қанча давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашири ташкил этилган.

Мамлакатимизда туб демократик ислохотлар ўтказилаётган ҳозирги шароитда Жамоатчилик палатаси институти ривожлантириш янги жамият олдига муҳим вазифалар сирасига қиради. Жамоатчилик палатаси фаолияти қанчалик даражада кўп ривожланса, Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади – қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим элементлари фуқаролар,

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИ ЎЗ ИШНИ УДДАЛАЯПТИМИ?



фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштириш ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини кенг жорий этишга имконият яратилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМ БЕРИЛИШИ КЕРАК!

Масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, Жамоатчилик палатаси институти такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси институтига конституциявий мақом берилиши мақсада мувофиқ.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобига алоҳида 32-моддан киритиб, уни қуйидаги тахрирда баён этиш тақлиф этилади:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси Конституциявий орган бўлиб, “Жамият – ислохотлар ташаббускори” ғоясини амалда рўёбга чиқариш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, шунингдек давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини мувофиқлаштиради”.

Шунингдек, Жамоатчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари фаолиятини бу борадаги илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш лозим.

Яна бир муҳим жараёнда амалга ошириш – Жамоатчилик палатаси ва жойлардаги жамоатчилик палаталарининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш нуқтани назаридан “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

Жамоатчилик назоратининг самарали

тизимини шакллантириш, “жамоатчилик эшитиши”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик мониторинги” каби таъсирчан замонавий назорат шакллари самарали ўтказилиб борилишини таъминлаш учун ушбу институтларнинг ҳуқуқий, назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш янги жамият тараққиётига мустаҳкам асос бўлади.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ КАНДАЙ?

Жамоатчилик палатаси институти ҳақида фикр юритганда бу борадаги халқаро тажрибани ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маъмур институт борасида катта тажрибага эга бўлган давлатлардан бири Буюк Британиядир. Жамоатчилик палатаси Буюк Британия парламентининг қуйи палатасидир. У Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг парламентдаги тажрибали, юксак обрў-эътиборга эга аъзоларидан ташкил толган.

Буюк Британияда Жамоатчилик палатаси шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бир мандатли сайлов округларида мажоритар сайлов тизими – нисбий кўпчилик асосида яширин овоз бериш йўли билан умумий тенг тўғридан-тўғри сайловлар йўли билан амалга оширилади. Парламент аъзосининг мандатини қўлга киритиш учун номзод бир вақтнинг ўзида бир неча округларда сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, оддий кўпчилик овозга эга бўлса, сайлов натижалари эълон қилингандан кейин у ғалаба қозongan ҳисобланади. Шундан кейин у Жамоатчилик палатасида қайсидир бир маъмурий ҳудуд вакили бўлишини ҳал қилиши керак.

Жамоатчилик палатасига сайловлар умумий, яъни бутун мамлакат бўйлаб бир вақтнинг ўзида ўтказилиши ёки оралик, яъни ўзимиз ёки истефоси натижасида очилган бўш ўрин тўғрисида алоҳида сайлов округларида қўшимча равишда ўтказилиши мумкин.

Британия парламенти қонунчилигида парламент сайловларида қатнашишга йўл қўйилмаслигини белгиловчи бир қатор шартлар мавжуд. Унга кўра, чет эллиқлар, айрим мансабдор шахслар, хусусан, Лордлар палатаси аъзолари, давлат ва ҳарбий хизматчилар, давлатга хиёнат қилгани учун жазони ўтаётган шахслар, руҳий касалликка чалинган шахслар, банкрот, сайловда ноқонуний

ва инсофсиз усуллардан фойдаланганликда айбдор деб топилган шахслар палатанинг аъзоси бўла олмайди.

Жамоатчилик палатаси парламент вазифаларини амалга оширишда катта рол ўйнаганини сабабли унинг депутатлари, одатда, “Парламент аъзолари” деб юрилади. Жамоатчилик палатасининг ваколат мuddати – 5 йил. Бироқ, 2011 йилгача Бош вазир исталган вақтда монархга мuddатидан олдин сайловлар ўтказиш талаби билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эди. Мисол учун, агар парламент ҳукуматнинг маълум бир қонунини қўллаб-қувватламаган бўлса, Бош вазир ушбу қонун лойиҳасини янги депутатларга тақдим этиш учун мuddатидан олдин сайлов ўтказишни талаб қилиши мумкин.

Россия Федерацияси Жамоатчилик палатаси эса, 2005 йилда ташкил этилиб, 2006 йилнинг январь ойидан иш бошлаган. У Россия Федерациясидаги маслаҳат органидир. Жамоатчилик палатаси аъзолари ўз фаолияти учун ҳақ олмайди. Бироқ, Жамоатчилик палатаси аппаратининг ўзи давлат томонидан молиялаштирилади ва федерал ҳокимият органлари билан тенг равишда давлат харидларида иштирок этади.

Россия Федерацияси Жамоатчилик палатаси аъзолари ҳар уч йилда сайланади. Ҳозирги вақтда Жамоатчилик палатаси қуйидаги тартибда шакллантирилади. Маслаҳатлашувлардан сўнг Россия Президенти палатанинг давлат ва жамият олдига алоҳида хизматлари бўлган 40 нафар аъзосини тақлиф қилади. Тақлиф этилган номзодлар 30 кун ичида тақлифга рози бўлиши ёки рад этиши керак. Шундан сўнг Президент ўз фармони билан Жамоатчилик палатасининг 40 нафар аъзосини тасдиқлайди.

Россия Федерациясининг таъсис субъектларининг жамоат палаталари ўз аъзолари орасидан яширин муқобил овоз бериш йўли билан ўз мажлисларида бeнүқсон обрўга эга бўлган битта Жамоат палатасининг вакилини умумий аъзоларининг кўпчилик овози билан сайлайди. Жамоатчилик палатасининг аъзоси бир вақтнинг ўзида Россия Федерацияси таъсис субъектларининг Жамоатчилик палатаси раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Иzzатулло ТОЛИБОВ,
Судьялар олий мактаби докторанти,
юридик фанлар номзоди

Айни пайтда Ҳиндистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлардан бири сифатида ўзининг жаҳондаги ўрнини тобора глобал масштабда мустақамламоқда. Айниқса, ушбу мамлакат юқори технологиялар, инновация, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор давлат сифатида тавсифланади. У япчи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради.

Эътироф этиш керак, Ҳиндистон ва Ўзбекистон стратегик шериклар ҳамда аънавий дўстлар сифатида савдо, сармоя, иқтисодиёт, маданий гуманитар ҳамкорлик, ёшлар ва таълим алмашинувлари билан боғлиқ турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришда давом этмоқда. Ислохотлар даврида юқорида қайд этилган соҳалар ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон босиб ўтган тарихий йўл ҳам диққатга сазовор. Бунда ушбу мамлакатнинг бой конституциявий таърибаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳиндистон “конституционизми ривожлантиришнинг жонли лабораторияси” деб ҳам эътироф этилади.


Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистон Конституциясининг қабул қилиниши 1947 йил 15 августда Буюк Британия мустамлақасидан озод бўлиши ва мустақил давлат қуриш сари бошланган дастлабки қадамлардан бошланади. Мазкур Конституция ҳинд халқининг мустақиллик учун курашини ўзида муҷассам этган. Конституция матнини ишлаб чиқиш ишларига раҳбарлик қилган Ҳиндистон адлия вазир, доктор Баба Соҳиб Амбедкар бошчилигидаги таҳрир қўмитаси 3 йил давомида фаолият юритиб, ўзида 90 минг сўзни жамлаган асосий ҳуқуқий ҳужжатни яратган.



Маълумки, дунёда ўнлаб йиллар давомида барча фуқаролари учун мақбул бўлган барқарор Конституцияни ишлаб чиқиш учун курашган, аммо уни удалай олмаган кўплаб мамлакатлар мавжуд. Шунга қайд этиш лозимки, Ҳиндистон Конституциясининг асосан қўлда, инглиз ва ҳинд тилларида ёзилган иккита катта ҳажмидаги нусхаси мавжуд. Таъсис мажлисининг барча аъзолари ушбу нусхаларга шахсан имзо чеккан. Айни қўлёзма нусхалар Ҳиндистон парламенти кутубонасида сақланади. Шундай қилиб Конституция 1949 йил 26 ноябрда қабул қилинган ва 1950 йил 26 январдан кучга кирган.

Ҳиндистон Республикаси суверенитетининг ҳуқуқий мустақамланиши (муқаддима), давлатдаги эркин сиёсий режим асосларига хизмат қилувчи кўплаб ҳуқуқлар (Ҳиндистон спецификасини ҳисобга олган ҳолда), қатор эркинликлар ва фуқароларнинг бурчлари эълон қилинганлиги, парламент республикасининг ташкил этилиши, мамлакатда яшаётган халқларнинг миллий ва турфа олган ҳудуд хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳудудий ва сиёсий тузилишнинг федератив шаклда таъсис этилганлиги,

15 АВГУСТ –
Ҳиндистон
мустақиллиги кун.
Кеча ҳинд халқи
истиқлолнинг
75 йиллигини кенг
миқёсда, катта
тантаналар билан
нишонлади.



ҲИНДИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

3 йиллик меҳнат, 90 минг сўз, инглиз ва ҳинд тилида ёзилган қўлёзма

халқаро тинчлик, адолат ва хавфсизликни таъминлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳинд Конституциясининг энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади.

Ҳиндистонда асосий ҳуқуқлар конституциявий қафолатлар билан таъминланади. Агар улар бузилса, фуқаро ҳар қандай судга, шу жумладан мамлакат Олий судига мурожаат қилиши ҳамда суд мажбурий қарор қабул қилиши мумкинлиги мустақамланган. Қолаверса, Конституция фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайди, диний, ирқий, каста, жинси ва туғилган жойига асосланган камситишни таъқиқлайди. Конституцияда фуқароларнинг асосий бурчлари ҳам белгиланган. Унда мамлакат идеаллари ва институтларига риоя қилиш, Конституция, миллий байроқ ва давлат мадҳиясига ҳурмат, ҳарбий бурч, миллий озодлик кураши идеалларига амал қилиш, илмий изланиш ва илмий ёндашуви ривожлантиришга интилиш, бой ҳинд маданий меросини сақлаш, аτροφ-муҳитни сақлаш ҳамда яхшилаш, шахсий ва жамоавий фаолиятнинг барча соҳаларида муқамалликка эришиш кирди.

Ҳиндистон федератив давлат бўлганлиги туфайли унинг Конституцияси бир томондан Ҳиндистон Иттифоқи ва штатлар ўртасида ваколатларни белгиласа, иккинчи томондан, штатлар ва иттифоқ ҳудудлари ўртасида ваколатларнинг батафсил тақсимланишини белгилайди. Ваколатларнинг асосий доираси иттифоқ марказига тегишли бўлиб, фақат айрим ваколатлар федерация субъектларига тегишлидир. Федерациянинг мутлақ ваколати соҳаси масалалари ташқи ишлар, мудофаа, ташқи савдо, банк, почта ва телеграф, темир йўллар кабиларни ўз ичига олади. Штатларнинг мутлақ ваколатлари жумласига жамоат тартиби, полиция, қамокхоналар, таълим, соғлиқни сақлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар кирди.

Ҳиндистон парламенти икки палатадан – Штатлар Кенгаши ва Халқ палатасидан иборат. Халқ палатаси (қуйи) умуман федерация манфаатларини, Штатлар Кенгаши (юқори палата) эса федерация субъектлари манфаатларини ифодалайди.

Ҳиндистон Президенти парламент икки палатасининг сайланган аъзолари депутатларидан иборат махсус сайлов гуруҳлар томонидан “яқдил овоз бериш” тизими асосида беш йил

муддатга сайланади. Президент давлат бошлиғи ва расмий равишда ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ ҳукумат маслаҳатига амал қилиши шарт. Президентнинг деярли барча асосий ваколатлари унинг номидан Вазирлар Кенгаши, аксинча, Бош вазир томонидан амалга оширилади.

Ҳиндистонда давлат ҳокимиятини амалга оширишда Бош вазир ва мамлакат Президенти томонидан тайинланган вазирлардан иборат жамоа ижроия органи – Вазирлар Кенгаши етакчи роль ўйнайди. Президент халқ палатасига сайловларда ғолиб чиққан партия раҳбарини Бош вазир этиб тайинлайди. Бош вазир парламент қуйи палатасидаги кўпчилик фракциясининг етакчи вакилларидан ҳукумат тузади. Ҳукумат тузишда Бош вазир, одатда, мамлакатдаги асосий миллат, диний жамоалар, касталар, йирик ҳудудлар манфаатларини таъминлашга интилади.

Ҳиндистонда дунёдаги федерал давлатлардан фарқли ўлароқ, мамлакат бирлигини мустақамлаш ва бутун ҳудудда қонунчилиқни бир хил қўллаш учун мўлжалланган ягона, қатъий марказлашган суд тизими мавжуд. Суд иерархиясининг энг қуйи даражаси фуқаролик ва жинойят ишларини юритувчи панчат я судлари ҳисобланади. Ҳиндистон ягона марказлашган суд тизимининг олий органи Олий суд ҳисобланади. Олий суд Ҳиндистоннинг асосий қонунига зид бўлган ҳар қандай қонунни Конституцияга зид деб эълон қилиши мумкин.

Ўтган 70 йилдан зиёд вақт мобайнида мустақил Ҳиндистон Конституцияси расмий ўзгартиришлар ёки суд амалиёти ёхуд оддий қонунлар орқали қатор ўзгаришларга дуч келди. Шу вақт ичиде киритилган кўплаб ўзгариш Ҳиндистон асосий Қонунининг кўпгина қоидаларининг тузилиши, матни ва ҳақиқий мазмунини сезиларли даражада ўзгартирди. Шунча йиллик ривожланиш даврида Конституция ўзига хошлик, замонавийлик ва аъналарнинг ажойиб ўйғунлигини ва энг муҳими, ҳозирги дунёнинг ўзгарувчан шароитларига мослашиш қобилиятини намойиш этди. Эндликда кўп миллатли, кўп конфессияли Ҳиндистоннинг улкан ривожланиши, самарали тараққиётини таъминламоқда ва ўзининг ёрқин истиқболга бўлган ишончини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик
университети профессори

ФАОЛИЯТ

ПОП тумани Наманган вилояти ҳудудининг 43,7 фоизини, яъни деярли ярмини эгаллайди. Шунга инобатга олиб, туман 1-сонли ФХДЭ бўлими томонидан тумандаги олис ва чекка ҳудудларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

“ЎЗИМИЗ КЕЛДИК”

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ
ШУ ШИОР ОСТИДА
юртдошларимизнинг
узоғини яқин қилмоқда



Жорий йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида туман адлия бўлими, нотариал идора вакиллари, давлат хизматлари маркази ходимлари билан ҳамкорликда 7 мартаба ана шундай қабуллар ташкил этилди. Туманимизнинг “Найман”, “Хўжаобод-2”, “Маданият”, “Мустақиллик” маҳаллаларида ўтказилган сайёр қабуллар шулар жумласидандир. Унда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, оила ва никоҳ, вазий тайинлаш, оталиқни белгилаш, фарзандликка олиш масалалари юзасидан берилган саволларга жавоб берилди. Масалан, “Маданият” маҳалласида яшовчи, 61 ёшли Раҳматжон Абдурашулов шаръий никоҳ асосида турмуш қурган ўғли ва келинининг фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома қандай олиниши юзасидан савол билан мурожаат қилди. Бинобарин, Р. Абдурашуловга оталиқни белгилаш ҳақида батафсил тушунча берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталиқни белгилаш ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган ҳисобланса, у ҳолда қонуний вакили) томонидан биргаликда берилган аризаси ёки суднинг қонуний қўчга кирган ҳал қилув қарори асосида ФХДЭ органида амалга оширилади. Оталиқни ишончнома бўйича белгилашга йўл қўйилмайди. Бунинг учун ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган ота-онанин оталиқни белгилаш ҳақидаги аризаси ёки оталиқни белгилаш ҳақидаги суднинг қонуний қўчга кирган ҳал қилув қарори, ота-онанин шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари – паспорт, уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, боланин туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (агар туғилиши олдин қайд этилган бўлса) тақдим этилади. Оталиқни белгилашда аризачи тегишли туман, шаҳар давлат хизматлари марказига келиб ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сўровнома тўлдириши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзимиз келдик” шиори остида ўтказилаётган бундай тадбирлар ҳамюртларимизнинг узоғини яқин қилиш баробарида уларнинг давлатга, адлия органларига бўлган ишончини янада оширмоқда.

Дилрабо ЮЛДАШЕВА,
ПОП туман 1-сон ФХДЭ бўлими
мудир



ФУҚАРОЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛИШИ ҲАМОН ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХУСУСИЙ мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Минг афсуски, фуқароларнинг мулк ҳуқуқлари бузилиши ҳамон давом этмоқда.

Жумладан, фуқаро Ш.Т.га тегишли бино давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган, аммо компенсация тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган Ш.Т. Тошкент шаҳар адлия бошқармасига muroжаат қилган.

Аниқланишича, Ш.Т.нинг Яшнобод тумани, Нигора 3-тор кўчаси, 37-уй, умумий майдони 288 кв.м.дан иборат бўлган "Шухрат авто" хусусий корхонасига тегишли бўлган бино Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 22 майдаги ва 2018 йил 25 сентябрдаги қарорларига асосан бузилган.

"Бизнес мустақил баҳо" МЧЖнинг эксперт хулосаларига кўра, умумий майдони 288 кв.м. бўлган савдо дўкони 2 миллиард 57 миллион 790 минг сўмга баҳоланган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази томонидан 2021 йил 12 августда юқоридаги манзилда жойлашган савдо дўконлари юзасидан баҳолаш ташкилоти томонидан берилган баҳо-

лаш ҳисоботларида қўлланилган сарф-ҳаражат ва таққослаш услублари илмий асосланганлиги ва мулкни баҳолашнинг миллий стандартларига ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос келиши тўғрисида хулоса берилган.

Фуқаро Ш.Т. мазкур масалада бир неча мартаба тегишли ташкилотларга muroжаат этишига қарамай, унга тўланиши керак бўлган зарар суммаси тўлаб берилмаган.

Ер кодексининг 39-моддасида ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан иштиёрий равишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Шунингдек, Ер кодексининг 41-моддасига мувофиқ, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участка-

лари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.


Шунга кўра, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Ш.Т.га етказилган зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига даъво ариза киритилди ва суднинг 2022 йил 15 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Муниципал активларни бошқариш марказидан фуқаро Ш.Т.га етказилган 2 миллиард 57 миллион 790 минг сўм компенсацияни ундириш белгиланди. Мазкур суд қарорига асосан жавобгарлардан давлат фойдасига 82 миллион 311 минг 600 сўм давлат божи ҳам ундирилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
масъул ходими

БУХОРО

БУХОРО туманидаги "Гала Осие" маҳалласида яшовчи фуқаро О.Жабборов туман марказий поликлиникасига muroжаат қилган. Бироқ унинг muroжаати тегишли тартибда кўриб чиқилмаганлиги боис унга жавоб хати берилмаган. Бундан норози бўлган фуқаро Бухоро вилоят адлия бошқармасига muroжаат қилган. Мазкур muroжаат туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Беморни сарсон қилган ПСИХИАТРГА "ҲАЙФСАН" БЕРИЛДИ



Аниқланишича, муаллиф жорий йилнинг 20 июнида туман марказий поликлиникаси мудирини С.Ҳасанов номига ариза билан muroжаат қилиб, назоратда турганлиги учун ишга киришда муаммоларга дуч келмаётганлигини билдириб, уни психиатр (д) назоратидан чиқаришни сўраган. Аризани поликлиника психиатри А.Тоҳиров қабул қилиб олган, муаллифни вилоят руҳий асаб касалликлари диспансери поликлиникасига олиб бориб, уни (д) назоратидан чиқариш мумкин эмаслигини тушунтирган. Лекин О. Жабборовнинг аризаси рўйхатдан ўтказилмаган, поликлиника мудирига тақдим қилинмаган ва muroжаатга ёзма жавоб хати ҳам берилмаган.

Ваҳоланки, 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг muroжаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасида белгиланганидек, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилганларга асосан туман адлия бўлими томонидан туман табиёт бирлашмаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Психиатрга масъулиятсизлиги учун "хайфсан" берилди.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
Бухоро туман адлия бўлими бошлиғи

БУХОРО

ИҚТИДОРЛИ ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу бордада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланиши кўрсатилган.

ЎҚИТУВЧИНING ҲАҚҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРМАНГ!



Лекин барча идоралар ҳам ушбу қарор талабларини бажараяпти деб бўлмайти. Хусусан, Бухоро туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабида фаолият юритувчи ўқитувчи Г.Жўраевага ўтган давр мобайнида 78 миллион сўмдан ортиқ устама тўловлари тўланмаган. Фуқаро эса ушбу ҳолатдан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига muroжаат қилган.

Адлия бошқармаси томонидан фуқаронинг muroжаати ўрганилиб, Бухоро туман халқ таълими бўлимига киритилган тақдимномага асосан ўқитувчига 78 миллион сўмдан ортиқ устама тўловлари ундириб берилди. Қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан эса қонунда белгиланган жавобгарлик чоралари кўрилди.

Сардор ИСКАНДАРОВ,
Бухоро вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

СИРДАРЁ



"ЯНГИОБОД ЖИЛВАСИ" АДОЛАТ ИСТАБ АДЛИЯГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

"ЯНГИОБОД ЖИЛВАСИ" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Мирзаобод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида 2021 йил 17 май куни қум-шағал аралашмаси маҳсулоти олди-сотдиси юзасидан шартнома тузилган.

Унга кўра, МЧЖ томонидан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига 269 миллион 663 минг 500 сўмлик майдаланган қум-тош маҳсулоти етказиб берилган.

Шартномада етказиб берилган маҳсулот учун уч банк иш куни ичида 100 фоиз олдидан тўлов амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, харидор томонидан 15 фоиз тўлов амалга оширилган, холос.

Холатдан норози бўлган "Янгиобод жилваси" масъулияти чекланган жамияти раҳбари амалий ёрдам сўраб, Сирдарё вилоят адлия бошқармасига muroжаат қилади.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.2-бандида товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун "Харидор" "Етказиб берувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммаси-

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО Т.Г. 2022 йил январь ойида фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишда амалий ёрдам сўраб, Янгийўл туман адлия бўлимига muroжаат қилди.

25 ЙИЛГА КЕЧИҚҚАН ТУҒИЛГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Маълум бўлишича, 1997 йил 6 сентябрь куни Қозоғистон Республикасининг Сарағаш шаҳарчасидаги туғуруқ мажмуасида фуқаро Т.Г.нинг киз фарзанди дунёга келган. Турмуш ўртоғи билан оилавий келишмовчиликлар сабабли фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олинмаган. Бунинг устига Ўзбекистон Республикасида ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларида камчиликлар бўлганлиги туфайли бу муаммо шу кунга қадар ҳал қилинмаган.

Мурожаатни ўрганиш давомида туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан ҳақиқатан Т.Г. Қозоғистон Республикасининг Сарағаш шаҳарчасидаги туғуруқ мажмуасида туққанлиги, аммо фарзандига шу кунга қадар туғилганлик ҳақида гувоҳнома олинмаганлиги юзасидан тегишли маълумотлар олинди. 25 йилдан кейин, яъни 2022 йил 27 июль куни Т.Г.нинг қизига туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштириб берилди.

Охунжон САТИМОВ,
Янгийўл туман адлия бўлими бошлиғи в.б.

нинг 0,4 фоизи микдориде пеня тўлаши, 6.1-бандида мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ҳал этилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан вилоят адлия бошқармаси томонидан "Янгиобод жилваси" МЧЖ манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилди. Мирзаобод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобидан "Янгиобод жилваси" МЧЖ фойдасига 229 миллион 224 минг 614 сўм асосий қарз, 19 миллион 484 минг 92 сўм пеня ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди.

Жаҳонгир ШАМИРЗАЕВ,
Сирдарё вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

Одамлар ҳаво ҳаддан ортиқ исиб кетса ёки меъёридан ортиқ совиб кетганда, клим ўзгариши туфайли деб хулоса қилишни билади. Аммо ана шу клим ўзгаришига кўпроқ ўзи сабабчи эканига қўпм парво қилмайди.



САРҒАЙГАН

“ЯШИЛ
МАКОН”лар

“Табиат устидан ҳукмронликни мўъжиза деб атаймиз. Аммо бу “мўъжиза” одатда бошимизга фақат қулфат ёғдиради.”

Фрэнсис БЭКОН



Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Табиатнинг ўз қонуни ва оддий ҳақиқати бор: кўксига гул қадасангиз, пойингизга гуллар тўшайди, озор берсангиз, ортиги билан ўзингизга қайтади. Тажовуз қилсангиз, топтасангиз, аёвсиз ўч олади.

Табиатнинг қудрати олдида инсон ожиз бир зарра. Охунинг жонига қасд қилган сайёдан жондан азиз фарзандининг қони билан қасос олган ҳам табиат, бир ёмоннинг қасрига минглаб яшилари қурбон қилган ҳам табиат. Ховлисида ўсаётган азим дарахтни “Раҳматли отанг экан дарахт бу, унга тегма, болам!” деб зорланган онасининг қаршилигига қарамасдан уни кесиб, яғни иморат қилаётганда навқирон йигитни том босиб, бутун умрга ногирон бўлиб қолганлиги ривоят эмас, бўлган воқеа.

Ёки катта савдо дўкони ёнида турган машинасини туртиб кетганликда айблаб, отаси тенги айбсиз бир одамнинг дилини оғритиб, ундан пул ундирган кимсанинг автомобиллини орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас шамол йиқитган дарахт босиб қолгани ҳам ҳаётдан олинган. Табиатнинг қайтар дунёлари бу!

“Дарахтни
севсангиз,
дарахт экманг...”

Сарлаҳа бироз ғалати туюлиши мумкин. Биз эса ҳамюртимиз Жонибек Шўхратовнинг куйинчаклик билан айтган ушбу даъватини ўқиб, оғир ўйга ботдик: “Дарахтни севадангиз, дарахт экманг! Ўзбек матбуотида айтиш шу кунларда ёниб турган хабарларнинг бири – бу Тошкентнинг Чилонзоридидаги

беозор дарахтлар тақдири бўлди... Ёниб туради-да, битта катта дарахт бир йилда юз кишига етадиган кислород беришига тупурган бефаросатлар бор бўлгандан кейин. Ёниб туради-да, бир дарахт битта автотомобилнинг 40 минг километр масофада чиқарган карбонат заҳарини ютишдек жасоратга эгаллигини сезмаган “вантандарлар” борлиги учун.

Ёниб туради-да, Президент ташрифидан олдин яшил, дашрифтлар сўнг сариқ кўйлагини кийиб олган арчаларнинг: “Илтимос, дарахтларни севадангиз, дарахт экманг. Барибир бизни ҳалок қилиш учун экаяпсиз” деган ноласини тингласанг...”

Дарахтлар бир неча йилдан буён бизнес қурбонига айланётганига чидаш қийин албатта. Номдор “ишбилармонлар”нинг кўзига яхши кўринган қанча-қанча ерлар сотилиб, у ердаги дарахтзорлар ўрнига кўп қаватли ўйлар қурилди. Яшил дунё ўрнига яланғоч тош шаҳарлар кўзингизга урилади-ган даражага етди. Ҳаддимиздан ошиб кетмаёلمизми?..

Чилонзордаги ҳолат кўлдан бир ҳовуч ҳолос. Администрация раҳбари раислигида ўтказилган видеоселекторда пойтахтнинг Чилонзор туманидаги ҳолатга кескин муносабат билдирилгани ва жазо чораси сифатида Президент топшириғига биноан туман ҳокими ва прокурори ишдан олингани, албатта, ҳақли жазо. Аммо Чилонзор туман агрономининг журналистларга айтган “100 туп дарахтга зиён етмаган. Тракторлар ишлаётганда, иш қуроллари тегиб кетган бўлиши мумкин, балки шуни ҳам ҳисоблашгандир.

Лекин, 100 туп дарахтга зиён етмаган. 9 туп дарахтни томир қисми очилган. Ҳозирда томир қисмлари ёпилиб, таглари ўғит билан озиқлантирилган”, сўзлари қайси мантиққа тўғри келади?

Чунки Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг дарахтларга етказилган зарар тўғрисидаги маълумотлари бутунлай бошқача. Яъни, табиатга **420 миллион 450 минг** сўмлик зарар етказилган. Энг таассуфлиси, қўмита мазкур йўл қурилиш-таъмирлаш объекти бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат экологик экспертиза хулосаси олинмаганини маълум қилган.

Бундан ташқари, ўз кўзимиз билан ҳар кун кўрадиган ҳақиқий ҳолатни айтадиган бўлсак, Чилонзор туманининг Мўқимий кўчаси билан Чилонзор кўчаси кесилган чорраҳадан ўнг томонга юрасизми, чап томонгами, ҳар иккала томонда ҳам дарахтлар қўллари кесилган одамга ўхшаб қолганига, қанчаси эса нобуд бўлганига гувҳо бўласиз.

Чорраҳанинг чап томонида яқиндагина бошланган “йўл созлаш операцияси” эса дарахтларнинг томирини узишдан бошланди. Бир ҳафта аввал юзлаб наъра тортаётган транспортлар бугун жи-и-м. Бир ҳафта аввал шохлари-га катта болталар урилган, томирлари-га булдозерларнинг темир тишлари ботган ярадор

дарахтларнинг остига бугун сув қўйиш билан гуноҳларини ювмоқчи бўлишяпти, гўё. Гарчи, туман ҳокими ва прокурорининг ишдан олиниши билан юзлаб дарахтларга етказилган зарарни тиклаб, ё қоплаб бўлма-са-да, ҳеч бўлмаса, бу кескин чора бошқаларга сабоқ бўлиши мумкин.

Ҳар йили минг-минглаб дарахтлар экилади, лекин уларнинг қанчаси яшаб қоляпти бундан беҳабармиз, тўғрироғи, бепарвомиз. Энг ачинарлиси, бунинг ҳисоб-китобини шу ишининг бошида турганлар ҳам аниқ билмайди. Дарахт экиш учун сарфланган маблағлар ҳавога учаётганини биламиз, аммо билмасликка оламиз. Қачонгача ўзимизни алдашда давом этамиз?

Ҳавони, сувни хоҳлаганча ифлослантиришга, заҳарлашга ўрганиб қолдик. Бу қонун-бузилишлар учун жарималар тўланапти-ку, деб оғиз кўпиртирадиган ташкилотлар ҳам бор. Лекин бу жарималар лоқайдлигимиз туфайли бутун умрга мажруҳ бўлиб турилган битта боланинг чеккан нола-сига, тоза ҳаво йўқлигидан бўғилиб, юраги қисилаётган хаста замондошимизнинг бир қултум нафасига ҳам етмаслигини мутасадди мансабдорлар бирор марта ўйлаб кўрдимикиан?

“Заҳарли
қабристон”
мониторинг
қилган билан
ўзгарадими?

Табиатга тажовузнинг турлари ҳар хил. Бугун дарахтларгина эмас, Ернинг ҳам дардида дармон керак. Яйловларнинг қуриши, чўлланиши ва тупроқнинг деградацияга учраши бу, албатта, ернинг таназзулидан далолатдир. Аммо бундан ташқари, юртимизда бошқа гегемонларнинг қарори билан айнан тупроқнинг заҳарланиши туфайли инсон саломатлигига, ҳатто наслига тузатиб бўлмай-диган салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар ҳам борлиги фақат соҳа мутахассисларига аён. Масалан, собиқ иттифоқдан қолган “Заҳри қотиллар қабристони” деган жойнинг борлигидан кўпчилик ҳатто беҳабар. Бу беҳабарлик эса яна ҳам хавотирли. Қайсидир ҳудудда 12 гектар, қай бирида 11 гектар, қолганларида ундан камроқ майдонни эгаллаган бу заҳарли қабристон мамлакатимизнинг даярли барча вилоятларида бор. Жумладан, Навоий вилоятида ҳам. Қизилтепа тумани ҳудудидаги бу “қабристон” 3 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган. Собиқ иттифоқ даврида ҳудудимизга жойлаштирилган хавфли кимёвий моддаларни сақлашга мўлжалланган бу майдонлар ҳозир муҳим объект деб ҳаспўшланади. Маликчўл массивида одамлар нафас олаётган очиқ осмон остида жойлашган бу майдон инсон ҳаётига доимо кўзга кўринмас таҳдид ва таҳлика солиб туради. Шундайлигини билиб туриб ҳам унинг атрофи на ўралган ва на бирор тўсиқ қўйилган. Мутахассисларнинг айтишича, бу “қабристон” 1982 йилда итти-

фоқ лойиҳаси асосида ташкил этилган. Бу ерда кимёвий воситаларнинг яроқсиз қолдиклари, улардан бўшаган, фойдаланишга яроқсиз идишлар, заҳарли кимёвий моддалар белгиланган тартибда чохлар (бункерлар)-га жойлаштирилиб кўмилган. Бу бункерлар бугунги кунда қолланган, очилган ҳолатда яна ҳам хавфли.

Гарчи, бу “заҳарли қабристон” аҳоли яшайдиган ҳудуддан ва жамоат объектларидан 15 километр, сув манбаларидан 4 километр узоқда бўлса-да, аммо у ерда ўсаётган ўт-ўланлар билан аҳолининг чорва моллари боқилади, шу ҳудудга яқин зовур сувидан чорва моллари суғорилади. Бундан беҳабар қишлоқ аҳолиси эса, албатта, уларнинг сўтидан, гўштидан истеъмол қилиши табиий. Мабодо, ана шу заҳарланган сигир сўтидан болалар боғчасида фойдаланилса-чи? Атмосферанинг, ернинг заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши аҳоли саломатлигига, наслига салбий таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас. Шифокорларнинг таъкидлашича, шунинг учун ҳам болалар она қорнидаёқ у ёки бу хасталикларга чалиниб, турли хил нуқсонлар билан туғилиши, ўсмир қизларнинг хавфли ўсма касалликларига чалиниши қўпаяётган бўлса ажаб эмас.

Мустақил давлат бўлганимизга 30 йилдан ошди. Собиқ иттифоқ давридан қолган ҳаёт учун хавфли бу ҳудуд эса очилиб-сочилиб ётгани билан ҳеч кимнинг боши қотмайди. На маҳаллий раҳбарлар, на юқори турувчи идораларнинг, на мутахассисларнинг бу билан иши йўқ. Тўғри, дастурларда номлари зикр этилиб, мониторинг ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тузилди, аммо уни мониторинг қилиш эмас, балки зарарсизлантириш чораларини кўриш керак эмасми аслида? Ана шу лоқайдлигимиз ўз “мева”ларини беравершидан жуда хавотирдамиз...

Атроф-муҳитни, бизни бошида кўтариб турган Она еримизни, оламни асраш деган сўзлар шунча вақт қоғозда қолгани, барча ишлар мониторинг қилинапти-ку, деган ўзин алдаш сиёсати етар энди! Ўзбекистон Экологик партияси сиёсий майдонга кириб келганда, бу каби муаммоларга эътибор қаратади, деб катта умид қилган эдик, ахир.

Бугун на дарахтларни кесил-га эълон қилинган мораторий, на “Қизил китоб”га кирган флора ва фаунанинг асраш, на теҳноген воқеаларнинг олдини олиш, на “Яшил макон” умумиллий лойиҳасини амалга ошириш борасида кўрак кериб мактанга олмаймиз!

Инсон табиатга ҳукмрон эмас, у табиатнинг бир бўлаги. Шундай экан, ўзимиз ўтирган шохни кесмайлик, табиатга озор бермайлик! Табиатга зарар етказяётган ҳар қандай ҳаракат, ҳар бир шахс жазоланиши шарт! Юзлаб дарахтларни кесиб, давлатга арзимаган тўрт танга тўлайдиган амалдаги нормаларимизни қайта катъийроқ кўриб чиқишга нима ҳалақат бераётганлигини тушунтириб берадиган одам борми?



СУБСИДИЯГА БОШЛАНҒИЧ ТЎЛОВ ҚАНЧА АЖРАТИЛАДИ?

– **СУБСИДИЯ асосида уй олмоқчи эдик. Давлат томонидан бошланғич тўлов учун қанча маблағ тўлаб берилди?**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا асосан, сотиб олинмаган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар – қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдоридан давлат томонидан тўлаб берилди.

Яъни, юқоридаги нормага кўра, субсидия олаётган уйингизнинг жойлашган манзили, уйнинг баҳоси ва квадрат метридан қатъи назар, тўлаб берилди.



ЎҚИШМНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КЎЧИРМОҚЧИМАН

– **Уч йилдирки, Қозоғистонда яшаб, ишлаб келмоқдаман. Ўтган йили ўқишга кирдим, биринчи курсни тамомладим. Яқинда оила қурдим. Энди ўқишимни Ўзбекистондаги олий ўқув юртига кўчирмоқчиман. Бунинг қонуний тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берсангиз?**

– 2022 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, талабалар ўқишини давлат олий таълим муассасаларига кўчириш бўйича қуйидагича тартиб жорий этилди. Жумладан, хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган (жумладан, халқаро тан олинган рейтингдан биринчи 1 000 та ўрндан бирини эгаллаган) олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришда:

- талабадан алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар, бошқа таълим йўналишлари бўйича тест синовлари ўтказилади. Бунда, касбий (ижодий) имтиҳонлар тегишли олий таълим муассасаси томонидан, тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади;

- тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар бўйича ўтиш баллари ҳар йили 15 июлга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади ҳамда Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

- ўтиш балдан паст балл тўплаган талабалар бакалавриятга қабул қилишдаги тартибга мувофиқ та-

бақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади; ■ тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат тест маркази ҳамда тегишли олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди.

Давлат олий таълим муассасасининг биридан бошқасига талабалар ўқишини кўчиришга фақатгина қуйидаги ҳолатларда рухсат берилди:

- талаба оила қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим муассасасига ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда;

- давлат органларининг ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда, тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг тавсияси асосида.



БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ҚАНЧА МУДДАТДА ТЎЛАНАДИ?

– **Икки нафар фарзандимиз бор. Бола пули олиш учун ариза топширдик. Болалар нафақаси ариза берилганидан кейин қанча вақтда тайинланади?**

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Мазкур Низомга кўра, болалар нафақаси ва моддий ёрдам белгиланган тартибда ариза берувчи мурожаат қилган оининг кейинги ойдан бошлаб тўланади. Яъни, агар сиз шу ойда ариза топширсангиз ва ҳужжатларингиз мазкур Низом талабларига тўғри келса, сизга кейинги ойдан бошлаб болалар нафақаси берилди.



КАСАБА УЮШМАСИГА АЪЗОЛИК МАЖБУРИЙМИ?

– **Мен Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида ишлайман. Ойлик маошимдан 1 фоизи касабга уюшмасига аъзолик бадали сифатида ушлаб қолинади. Касабга уюшмасига аъзолик қонуний жиҳатдан ихтиёримми ёки мажбурийми?**

– “Касабга уюшмалари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига асосан:

“Фуқароларнинг касабга уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек уларни касабга уюшмасига аъзо бўлишга ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайди”.

Демак, қонун бўйича касабга уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрдир, асло мажбурий эмас! Сизнинг розилингизсиз ойлигингиздан ушлаб қолиниши ҳам ноқонуний.



МУКОФОТ ПУЛИ БЕРИЛМАЙДИМИ?

– **Жамоамизнинг барча аъзосига мукофот пули берилди. Иш берувчи менга дастлабки синов муддати даврида мукофот пули бермасликка ҳақлими?**

– Мукофотларни тўлаш – иш берувчининг ўз ихтиёрига кўра амалга оширадиган иш ҳисобланади. Бюджетдан молиялаштирилмаган корхоналар бундан мустасно. Бюджет ташкилотларида ходимларга пул мукофотлари бериш иш берувчи тасдиқлаган ва молия бўлиmlари билан келишилган ҳолда смета харажатлари асосида берилди.

Иш берувчи сизга фақат иш ҳақини тўлашга мажбур. Сиз иш жойингиздаги бош ҳисобчидан мукофотлар бериш тартиби тўғрисидаги низом билан таништиришини сўраб кўринг. Ушбу ҳужжатда, одатда, мукофот пули тўлашнинг тартиби ва мезонлари белгиланган бўлади. Эҳтимол, ушбу Низомда дастлабки синов муддатидан кейинги мукофот пули тўланмаслиги кўрсатилгандир.



5 ЙИЛЛИК ИШ СТАЖИ БИЛАН ЎҚИШГА КИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

– **Маълумотим ўрта махсус. Етти йилдирки, мактабда ишлаб келаяпман. Хотин-қизларни 5 йил ишлаган тақдирда, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиниши тартиби ҳақида маълумот берсангиз?**

– Президентимизнинг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларда олий маълумотли хотин-қизлар улушини янада ошириш мақсадига 2022 йил 9 июнда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги мазкур қарор билан тасдиқланган “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлмаган хотин-қизлар давлат ОТМга алоҳида қабул параметрлари (жами 500 та квота) доирасида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Бунда ўқишга қабул қилиш Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси тавсияномаси асосида амалга оширилади. Та-




Саволларга “Мадад” ННТ бўлим бошлиғи Исламжон АБДИРАҲИМОВ жавоб берди.

сиянома олиш учун талабгор қуйидаги мезонларнинг барчасига мувофиқ келиши керак:

- ўрта махсус ёки профессионал таълим бўйича мутахассисликка эга бўлиши;
- тавсиянома олгунга қадар олий таълим олмаганлиги ёки олмаётганлиги;
- ўрта махсус ёки профессионал таълим мутахассислиги бўйича 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши.

Тавсиянома олиш учун талабгор доимий яшаш ёки вақтинча рўйхатда турган жойидаги туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлиmlарига ҳар йили 1 майдан 1 июнгача ариза билан мурожаат қилади.



БОЛА ПУЛИ БЎЙИЧА ЁЗГАН АРИЗАМ ҚАЙТАРИЛДИ

– **Уч нафар фарзандим бор. Турмушим бузилган, болалар менга қолди. Ҳозирда собиқ турмуш ўртоғим алимент тўлайди. Лекин маҳаллага чиқсам, менга бола пули берилмаслигини айтишди. Бола пули бўйича ёзган аризам ҳам қайтарилди. Алимент олаётган онага бола пули берилмайди?**

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда олинган алиментлар олинган бир ойлик ўртача жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда инobatта олиниши белгиланган.

Юқоридаги нормага кўра, олинган алимент оилага бола пули берилиши учун даромад сифатида ҳисобга олиниши қонуний, лекин мазкур Низомда алимент олингани учун бола пули берилмайди, дейилмаган. Алимент пули миқдори оилангизнинг бошқа даромадлари билан қўшиб ҳисоблаганда киши бошига 498 миң сўмдан ошиб кетмаса, Низомнинг бошқа талабларидан келиб чиқиб, бола пули берилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИБ КЕЛДИМ, МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ НОРМАЛАРИ ҚАНДАЙ?

– **Мен чет эл фуқаросиман. Ўзбекистонга кўчиб келдим, энди шу ерда ишламоқчиман. Ўзбекистонда меҳнат қонунчилиги нормалари қандай? Айтингчи, менга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қоидалари татбиқ этиладими?**

– Ҳа, албатта. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 11-моддасига мувофиқ, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

**ПУЛ САНАШНИ ҲУРАТГА
БОЛА**

РАЖАБ (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзига тўқ оилада ўсди. Бошида ўқишлари ёмон эмади. Бирок ўйинкаролик, эркалик устун кела бошлади, бу ортиқча нарсаларга тўла бошди. Ахир пул санашни ўрганиб олди – бўлди-да! Демак, истганча ўйнаб-қулиб яшаса бўлаверади.

Тенгдошларининг катта орзулар билан олийгоҳларга йўл олишларига бироз хаваси келса-да, “эзо яна ўқишми...?”, деган ҳаёли хавасдан устун келди. Ота-онам бор, пулим бор-ку, деди. Кўчадан топган дўст ошналари яхши ниятда эмаслигини била туриб ҳам, уларга ишонди.

Telegram ижтимоий тармоғи орқали гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланувчи каналларини топиб олган бойвачча йигитча дастлаб қизиқига “Space” гиёҳвандлик моддасидан истеъмол қилиб кўрди. Бора-бора бу қизиқиш уни гиёҳвандлик моддасига “қул” қилиб қўйди.

Р. Умиров “Bitcoin” ёки “Kiwi” қоше-лэк ҳисоб рақамига пул ўтказиб ундан

гиёҳвандлик моддалари қўйилган манзил геолокациясини олар ва у ердан “дори”ни олиб истеъмол қиларди. Бора-бора қарга ботиб қолган Ражаб энди улар билан ишлашни бошлади.

Оқибатда эса... мактабни тугатганига бир йил ҳам тўлмай суднинг қора курсисига ўтирди. Ҳақ икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бу муддат 18 ёшли йигитчанинг қилмишига яраша жазо бўлса ҳам, аммо жуда оғир эди.

Мамакатимизда инсонпарварлик, кечиримлик тамойилларининг устуворлиги, албатта, бу йигитнинг тақдирини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Унинг ўтмай қолган 4 йилу 7 ой муддати шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштирилди.

“Қилмишимдан мннг пушаймонман. Озодликка чиқсам янги ҳаёт бошлайман, ҳаётнинг қадрига етман” деб ўзига сўз берган йигит қамоккоҳна эшигиндан ташқарига чиқарган, пушаймонлиги, надоматларини жуда тез унутди. Такор-такор жиноятга қўл урди. Иккинчи ва учинчи бор ҳам темир панжара ортига кириш унинг кўзини очмади.

ЯШИРИН “ОПЕРАЦИЯ”

СИРНИ ФОШ ҚИЛДИ

**“KITFORTES” ДАН УЗОҚРОҚ
БЎЛИНГ!**

Жамил эса танқил фирмага ишларди. Маоши ёмонмас, бекорчи бўлиб юргандан кўра оилага ҳалол ризқ кирити турарди. Бўш вақтларида барча ёшлар сингари мобил телефонни орқали турли сайт ва каналлардан янгиликлар, фильмлар, ахборот ва маълумотлар билан танишиб юрадиган “кахрамонимиз”ни ҳам тармоқда ортирган “дўстлари” тўғри йўлдан адаштиради.

Иттифоқо, у “Kitfortes” номли аккаунт фойдаланувчиси билан танишиб қолди-ю... бошига бало ортирди. Нияти тоза бўлмаган мазкур аккаунт эгасининг Ж. Розиковни йўлдан уриши қийин бўлмади. “Сендан ортиқча меҳнат талаб қилинмайди, лекин осонгина катта даромад топасан!” деган гапни эшитган, Жамил кўп ўйланиб ўтирмади. Масофадан туриб ташланган қармоққа дарвор илмини қўйди. Унинг вазифаси юбориладиган катта микродоғда гиёҳвандлик моддаларини қабул қилиб, уларни майда пакетчаларга солиб, махсус белгиланган жойларга яшириб геолокациясини мижозларга юборишдан иборат эди.

Аввалда пул санаганда уни нопок йўл билан топатганидан қўнгили хижил бўлган Жамил кейинчалик ўрганиб кетди. Энди у қўлидан ўтиб бораётган “оғу”дан ўзи ҳам татиб кўрадиган бўлди. Аммо бу иши унга жуда қимматга тушди. Биринчи фарзанди туғма юрак нуқсони билан дунёга келди. Афсуски, бегуноҳ гўдакнинг оғир ҳасталик қийноғида тўлғонини ҳар қуни кўриш ҳам уни бу йўлдан қайтаролмади.

**ЭЛЕКТРОН “САМОКАТ”
ТЕМИР ПАНЖАРА ОРТИГА
ОЛИБ КИРДИ**

“Kitfortes” аккаунт фойдаланувчиси билан телефонда гаплашган Жамилга қандайдир электрон самокат келишини айтишди. “Сирли самокат экан-да, бу гапни даромад қанча бўларкин?” – деб ўйлади Жамил. Уни фақат текин бойлик ортиртти қизиқтирарди, ҳолос. Дунёни ларзага солаётган мажруҳ болалар, (уларнинг бири ўз ёнида бўлса-да!) барбод бўлаётган оилалар, навқирон ёшида фоживаий ўлим топётган инсонлар так-

дири уни ўйлантирмасди.

Москва шаҳридан йўлга чиққан сирли товар – “ADB – Butinaca”, “Мефедрон”, “Каннабис мойн”, 6 дона электрон тамаки трубкаси ва 3 дона қисқасули электрон “самокат”нинг аккумулятор учун мўлжалланган қисмига моҳирона жойлаштирилган эди. Почта жўнатмаларини юборадиган масъул шахс орқали Ўзбекистонга кириб келган сирли “самокат” тегишли илора ходимларининг ҳаракати билан бевосита яширин назоратга олинган эди. Шу зайдда “операция” ичида бўлган махсус хизмат ходими орқали гўё такси ҳайдовчиси сифатида алоқага чиқилиб, “самокат”ни қаерга олиб бориш ҳақида сўралганда, “Kitfortes” аккаунти ўзининг telegram тармоғи орқали уни Р. Умиров олиб кетишини билдирди. Яширин назорат талбири давом эттирилиб, электрон “самокат” айтилган жойга етказилди. У ерда кўп куттирмай Р. Умиров пайдо бўлди. Унга кутини топиригач, қўлга олиниб, ҳолислар иштирокида текширув ўтказилди. Қути ичидати электрон “самокат”нинг аккумулятор жойланган қисмидан айтилганидек, кўп микродоғда гиёҳвандлик воситалари топилди.

Р. Умиров электрон “самокат”ни қабул қилиб олганлиги ҳақида “Kitfortes” аккаунтига ахборот бериши, товарнинг суратини юбориши, ишнинг якунида эса унга 2 минг АҚШ доллари микродоғдаги маблағни махсус картасига тушириб беришлари лозим эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Тадбир эса давом этарди. Р. Умиров “самокат”ни жиний шериғи Ж.Розиковга етказиши керак эди. Икки жиноятчини бир илға боғлаган бу савдо шу ерда қасодга учради. Ҳамма сир очилди...

Суд томонидан қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлиги тамойиллари асосида ҳукм ўқилди. Бирига – ўн йил, иккинчисига – ўн ярим йил... Бу муддатлар тарих учун балки бир заррадир, аммо озодликсиз, эркин ҳуқуқларсиз махсус тартибда қунарини санаб ўтказишни душманамизга ҳам раво кўрмаган бўларди. Начора, қилмиш – қилдириш...

**Ақром АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
бош консультанти**

Аникланишича, МЧЖ ва чет эл компанияси ўртасида тузилган шартномага асосан “Yutong” русумли туристик автобусни импорт қилган. Автотранспорт воситаси божхона юк декларацияси асосида ИМ-40 “эркин муомаллага чиқариш” режимида божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда республикамиз ҳудудига олиб кирилган.

Бирок, кейинчалик эксперт хулосаси билан жавобгар томонидан импорт қилган автобус шассисининг рақамини йўқотиш учун механик таъсир йўли орқали ишлов қилинганлиги аниқланган. Ушбу экспертиза хулосасига кўра, автобус ТИФ ТН 8702101994 код рақам билан қайта таснифланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши лозимлиги ёки 1 миллиард 276 миллион 307 минг 737 сўмлик божхона тўловлари тўланиши тўғрисида МЧЖга талабнома берилган. Лекин ушбу талабнома шартлари бажарилмаганлиги сабабли божхона органлари судга даъво ариза билан мурожаат қилган. Суд эса, Ўзбекистон Республикасининг Иктисодий процессуал кодекси 179-моддасининг тўртинчи қисми ва мавжуд бошқа ҳолатларни инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантириши рад этди.

Даъвогар даъво талабиди “жавобгарга “Yutong” русумли, модели “ZK6122HT5Q1” бўлган автотранспорт воситасини реэкспорт божхона режимида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш”дан иборатдир.

Иктисодий процессуал кодексининг 184-моддасига кўра, пул маблағларини ундириш ёки мол-мулкни топириш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганда суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатларни, шу ҳаракатларни амалга ошириш шарт бўлган шахсини, шунингдек, уларнинг амалга оширилиш жойи ва муддати ни кўрсатади.

Даъвогар эса, автотранспорт воситасини жавобгар томонидан реэкспорт режимида иштиёрли олиб чиқиб тўғрисида ҳаракат содир этмаган бўлса-да, уни республика ҳудудидан олиб чиқиб мажбуриятини юклаш тўғрисида вақтли талаб қўйган. Ушбу ҳолатда даъвогар автотранспорт воситаси жавобгар томонидан реэкспорт режимида иштиёрли ўтказиш фактини аниқлагандан сўнг ёки ушбу режимида

БОЖХОНА қўмитаси Навоий вилояти бошқармаси туманлараро иктисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Даъво аризасида “N” МЧЖга “Yutong” русумли автотранспорт воситасини реэкспорт божхона режимида мувофиқ Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мажбуриятини юклаш сўралган.



Ўтказиш бўйича мажбурият қонунда белгиланган тартибда юклатилгандан кейин судга автотранспорт воситасини республика ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мажбуриятини юклаш тўғрисида даъво билан мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2016 йил 14 декабрдаги “Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва Республика автотранспорт паркинни янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига кўра, 2007 йилнинг 1 мартдан бошлаб: “М2”, “М3” ва “N2” тоифаларидаги фойдаланилган автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиш тақиқланган.

Жавобгар томонидан импорт қилинган автотранспорт воситаси техник хужжатларига кўра “M3” тоифасидаги транспорт воситаларига кирса-да, ушбу тоифадаги автотранспорт воситаларини республика ҳудудига Президентнинг 531-сонли қарор талабларига мувофиқ олиб кириш тақиқланади. Шундай бўлса-да, “Ўзбекистон Республикаси туризм салохиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони билан туризм фаолиятини ривожлантириш мақсадига ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташвиша мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситаларини олиб киришга рухсат берилган. Шунингдек, маълум тоифага автотранспорт воситалари ёки махсус талабларга жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини киритишни тақиқлаш бўйича ҳеч қандай қўрсатмалар мавжуд эмас.

Автотранспорт воситаси импорт қилинган пайтда Президент 5326-сонли фармонида ишлаб чиқарилганга 5 йилдан ортиқ бўлмаган автотранспорт воситаларини импорт қилиш бўйича тақиқ (пенз) бўлмаган. Жавобгарнинг фаолияти эса бевосита туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари қаторига қиради. Ушбу ҳолат иктисодий иш

материаллари ва суд мажлисида иштирок этган жавобгар раҳбарининг кўрсатмаси билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилади. Ушбу қонуннинг 18-моддаси тўртинчи қисмига кўра, тенг юридик қувага эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қондалари амал қилмади, бундан ушбу молданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно.

Божхона кодексининг 4-моддасига кўра, божхона тўғрисидаги қонуночиликдаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар ташқи иктисодий фаолият иштирокчисининг фойдасига талқин қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 11-моддасига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳукуқий муҳофазачи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципини амал қилиб, унга мувофиқ қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажсуқ иш тадбиркорнинг фойдасига ҳал қилинди ва унинг ҳуқуқи тикланди.

**Сабиб ЖАКЕЕВ,
Навоий вилоят суди судьяси**

Инсон ва ҚОНУН
МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkaz.uz

Бош муҳаррир
В.В.Б

Ўрбек
ИСКАНДАРОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музафр Мубараҳоджаевич
Тоқиев Фурад Шомуродович
Юлдашева Шоҳидоҳон Руфетовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилинмайди.

Навбатчи
Гулбахор Ортиққўжаева

**Саҳифаловчи-
дизайнер**
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 бося табоқ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босямаҳасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи – 3170
Буюртма – 213

Топшириш вақти – 19:00
Топшириш – 18:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳос вазириятнинг нарҳда

1 2 3 4 5

БИЛАСИЗМИ?

Таълим кредитлари таълим ташкилотлари бакалавр ҳамда магистратуранинг кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклида тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек, ўқишни кўчирган Ўзбекистон фуқароси бўлган талабаларга берилади.

ТЎЛОВ-КОНТРАКТ
АСОСИДА ЎҚИШ УЧУНТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИНИ
АЖРАТИШ ТАРТИБИ

Бунда, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, эри ёки хотини) ёки васийлари биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашиши мумкин.

Таълим кредитининг асосий қарзи талабнинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомда қайтарилади.

Таълим кредитини олиш учун Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган тижорат банкларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ариза;
- тўлов-контракт шартномаси ва унга илова қилинадиган ҳисоб варақаси/фактураси (мавжуд бўлганда). Шартномада ўқишни тамомлашнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим;
- таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат. Бунда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га кирган оилаларнинг фарзандларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмайди;
- "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома ("Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган оилалар фарзандлари учун);
- биргаликда кредит олувчиға тегишли маълумот.

Ҳужжатлар 5 иш кунида қўриб чиқилади. Таълим кредити шартномаси тўлов-контракт шартномасида кўрсатилган бир йиллик тўлов суммасига тенг миқдордаги суммага тузилган.

Таълим кредити кредит олувчига Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридан ажратилади.

Бунда, Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаяди, Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган тақдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолади.

Мазкур тартиб:

- чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга;
- тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағларидан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган таълим кредитларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Табақалаштирилган тўлов-контрактни ва унинг минимал миқдорига тенг бир марталик бошқа тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратилмайди.

Бола ҳуқуқлари ҳақида гапирганда, биз боланинг инсон ҳуқуқларини назарда тутамиз. Чунки бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларидир. Улар ёши, жинси, миллати ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, ҳар бир болага тегишли ҳуқуқлардир.

Бола кўп жихатдан қатталар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлса-да, болаларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қилишлари қийин масала бўлганлиги учун уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш халқаро миқёсда ҳамда давлатларни ички ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий предмети, устувор йўналиши ҳисобланади. Бу масала қонунчиликда акс этишига қатъи эътибор қаратилади.

УМУМБАШАРИЙ
КОНВЕНЦИЯ

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжат Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциядир. Конвенция 1989 йил 20 ноябрда Нью-Йорк шаҳрида БМТ томонидан қабул қилинган бўлиб, у болаларнинг индивидуал ҳуқуқларини батафсил баён қилувчи 54 та моддалар иборат. Ушбу Конвенцияда эътироф этилган қоида ва ҳуқуқлар умумий характерга эга. Шу сабабли ҳар қандай давлатнинг болаларига, қонунчилигига тааллуқли ва мос келади.

Конвенция кенг қамровли табиати, болаларни бошпанасизлик, зуравонлик ва эксплуатациядан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор универсал ҳуқуқий нормаларни белгилаши билан ажралиб туради. Шунингдек, Конвенция болаларнинг асосий инсон ҳуқуқлари, яъни яшаш ҳуқуқи, шу жумладан, ижтимоий ва маданий ҳаётда тўлиқ иштирок этиши учун зарур бўлган шахсий ривожланиш ва таълим олиш ҳуқуқларини кафолатлайдиган нормаларни ўз ичига олган.

Конвенцияни имзолаш натижасида давлатлар унинг қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда халқаро ҳамжамият олдига жавобгардир. Иштирокчи-давлатлар томонидан Конвенция қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш, эришилган ютуқларни кўриб чиқиш учун Бола ҳуқуқлари бўйича БМТнинг махсус қўмитаси ташкил этилган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 4-моддасига кўра, иштирокчи-давлатлар Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий ва бошқа чораларни кўриши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрдан Конвенциянинг иштирокчиси бўлган дав-

ЛАР қандай замонавий давлатнинг асоси, жамиятнинг ҳужайраси, албатта, оиладир. Болалар эса, оилавий ҳаётнинг асосий қадрияти ҳисобланади. Айнан уларга ғамхўрлик қилиш давлат ва жамият фаровонлигининг гаровидир. Шу сабабдан болаларга ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бир пайтнинг ўзида ҳам ота-она, ҳам давлатнинг тенг вазифасидир.

МАМЛАКАТНИНГ ҲАМ,
БУТУН ДУНЁНИНГ ҲАМ
КЕЛАЖАГИДАВЛАТ ЎЗИНИНГ КИЧИК
ФУҚАРОЛАРИГА ҚАНДАЙ
ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШИГА БОҒЛИҚ

лат сифатида унинг барча қоидаларини бажариш мажбуриятини амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими Конвенциянинг ушбу моддасига асосланган бўлиб, қонунчилик йўналишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги ва яна бир қатор бошқа қонун, кодекслар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборатдир. Мазкур йўналишдаги қондабузарликлар учун қонунчиликда тегишли чоралар ҳам белгиланган.

Бугунги кунда дунёнинг саксонга яқин мамлакатларида болалар оқибатини фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг асосий вазифаси "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция қоидаларини қонунчиликка татбиқ этиш, боланинг шахси, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари ҳимоясига бутун жамият ва давлатни фаол жалб этишдан иборат.

Мамлакатимизда ҳам болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган тизимли ишлар доимий тарзда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2019 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди.

КЕЛАЖАККА
ҒАМХЎРЛИК

2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланди. Унда болалар ҳимоясига бағишланган устувор йўналишлар ва болалар манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш принципини қонунчилик ва амалиётга янада самарали жорий этиш вазифалари белгиланди. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида эса, ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола ҳуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш максаллари илгари сурилди.

Бир сўз билан айтганда, боланинг манфаатлари, болаларнинг тўлақонли, жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишига айланди. Чунки мамлакатнинг ҳам, бутун дунёнинг келажати ҳам давлат ўзининг кичик фуқароларига қандай ғамхўрлик қилишига боғлиқдир. Шу сабабдан бола ҳуқуқлари бўйича халқаро, минтақавий ҳужжатлар умумий мақсадни – боланинг ўз мамлақати фуқароси сифатида ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, жамият ва оила аъзоси мавқеини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни кўзлайди.

Оқилахон ҚОРАХЎЖАЕВА,
Тошкент давлат юридик университети
доценти в.б., юридик фанлари номзоди

БУ ҚИЗИК

Америка полицияси
автомобилни тўхтатганда
нега орқа капотга қўли билан
тегишини биласизми?

Бундай ҳолатда полициянинг қўли эри қолади ва бу воқеа жойида бўлганлигининг далили бўлиб қолганга исбот бўла олар экан.

"Қамбағал" миллиардер

"Duty Free" компанияси асосчиси Чарльз Фини дунёдаги энг "қамбағал" миллиардер ҳисобланади. У 90 ёшга тўлиб 7,5 миллиард доллар бойлик тўлашга улгурган. Шунга қарамайдан унинг шахсий ўйи ҳам, машинаси ҳам йўқ. У ижарада туради ва метро ёки таксида ҳаракатланади. Оддий кийим-

да юрадиган миллиардер 15 доллар турадиган қўл соати тақади. Чарльз охириги 30 йил давомида нақд 6 млрд доллар бойлигини хайрия ишларига сарфлаган.

Энг кучли паспорт

Япония паспорти дунёдаги энг кучли паспортдир. У 195 давлатдан 191 та давлатга визасиз кириш имконини беради.

Америкалик Соса-Кола сирини
ўғирлагани учун 14 йилга қамоқ
жазосига ҳукм этилди

Шеннон Ю. ичимликлар қутиларининг ички қисмини қоплаш учун махфий кимёвий формулани Хитойга ўтказишга ҳаракат қилади. Ушбу технологияни ишлаб чиқариш компанияга 120 миллион долларга тушди.

Аёл бу тижорат сирини Атлантадаги Соса-Кола Со ширкатига кимёгар бўлиб ишлаган пайтида билиб олган. У ҳукуматнинг "Минг истеъдод" дастури бўйича Хитойга бориб ўғирланган сирлардан фойдаланиб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган.



Қабрда ҳам QR код

Қабр тошларидан QR код топиш одатий ҳолдир. Сиз уни сканердан ўтказасиз ва ўша инсоннинг ҳаёти ҳақида видео томоша қилишингиз мумкин.

Даниядаги "жонли кутубхона"

Унда сиз қитиб ўрнига одамнинг 30 дақиқа давомида унинг ҳаётий ҳикоясини тинглашингиз мумкин.

Мадина ҲАМДАМОВА
тайёрлади.